

**Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг
ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими томонидан
амалга оширилган ишлар тўғрисида
ҲИСОБОТ**

(2022 йил 5 ой ҳолатига)

I. Амалга оширилган ишлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони билан 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, **Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлимига** юкланган асосий вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг **март-май** ойларида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлимининг низом лойиҳаси ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 29 март куни ЮНФПА билан ҳамкорликда “Гендер зўравонлик ҳолатларига идоралараро чора кўришнинг миллий механизми натижа ва ютуқлар” мавзусида мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди.

“Гендер тенглик фаоли”, “Йил аёли” миллий танловини ўтказиш ҳамда танлов Низомини қайта кўриб чиқиш ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича танлов Низоми бўйича таклифлар Қўмита томонидан Олий Мажлис Сенатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚҚ-340-IV сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 30 майдаги 10/2-212-сонли хатига асосан барча ҳудудий бошқармаларга Қўмитанинг жорий йил 3 июнь куни 04-04/102-сонли топшириқ хатлари асосида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика Комиссияси, Сенатнинг хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси билан ҳамкорликда “Йил аёли” ва “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларини Низом асосида ҳудудий босқичларини ўтказиш ва танлов жараёнларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш, Миллий телерадиокомпаниясига миллий танловлар мақсад-моҳиятини ўзида акс эттирган ролик тайёрлаш ҳамда МТРК тизимидаги телеканалларда намойиш этилиши юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда 8 апрель **“Гендер тенглик етакчиси” лойиҳаси** доирасида 14-15 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 18-30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида кастинг ўтказилди ва 80 нафар иқтидорли ёшлар лойиҳа тренерлари сифатида танлаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сонли Фармонининг 10-банди “Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш” бўйича чора-тадбир лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 11 апрель куни Олий Мажлис Сенатига киритилди.

“Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзусидаги ўтказиладиган форуми учун концепцияси ва тавсия лойиҳалари ишлаб чиқилиб Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Давлат Бошқарув Академияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПК-87–сон қарори бўйича Қўмита тизимидаги ходимлар учун ўқув семинари дастури ишлаб чиқилди ва дастур асосида Қўмита тизимидаги ходимлар ўқитилди.

ПФ-87-сон Фармони 10-бандида белгиланган давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида турли соҳаларда ишлаётган раҳбарлик салоҳияти ва қобилиятига эга бўлган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар базаси худудлар кесимида шакллантирилиб, ҳозирги кунда **25 055 нафар** захира кадрлар шакллантирилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик, ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг 2022 йил 15 апрелдаги 1-сонли баённомасининг 3-илоvasи Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастурида таҳлил асосида давлат органлари ва ташкилотлари тизимида фаолият юритаётган фаол ва ташаббускор хотин-қизлар орасидан раҳбар ўринбосари лавозимига муносиб номзодлар рўйхатини шакллантириш топшириғига асосан, **100 нафар номзод захира кадрлар** 100 баллик тизим асосида саралаб олинди ва уларни Давлат бошқарув академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларида ўқитиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва Давлат бошқарув Академияси томонидан ҳамкорликда **“Раҳбар аёллар мактаби”** ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаш мақсадида қабул қилинган **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси бўйича ҳар чоракда** ҳисоботларни вазирлик ва

идоралардан олиб умумлаштириб Олий Мажлис Сенатига, Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда **17-18 май кунлари** хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини кенг тарғиб қилиш учун гендер масалалари бўйича **140 нафар тренер** тайёрлаш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди. Ўқув семинарда ҳудудларда тарғибот тадбирларини ташкил этувчи тренерларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари, хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда уларга берилаётган имтиёзлар мазмун-моҳияти ҳақида билим ва кўникмалари оширилди.

Ўқув курсини якунлаган тренерлар иштирокида жойларда адлия бўлимлари ходимлари билан биргаликда тарғибот гуруҳлари шакллантирилиб, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига содда тилда ва тизимли етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кўмита ҳузуридаги “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти томонидан “**Аёлларга ҳуқуқий мадад**” туркумида оммабоп қўлланмалар тайёрланди ва Адлия вазирлигига юборилди.

“**Гендер-мадад**” электрон ҳуқуқий маслаҳат платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш бўйича Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси томонидан тегишли таклифлар тайёрланиб, 2022 йил 17 май куни 02-04/332 -сон хат билан Адлия вазирлигига тақдим этилган, “Гендер-мадад” электрон ҳуқуқий маслаҳат платформаси ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, (<https://gendermadad.uz/uz>) ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан жорий йил 15 апрель куни **Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг 1-мажлиси ўтказилди** ва Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш Дастури тасдиқланди.

Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда **медиа режа** ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 402-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Фармоннинг 3-бандида Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари ҳамда 9-бандида Кўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш

ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Қўмитанинг 2022 йил 25 май куни **18-сонли буйруғи** тасдиқланиб, ҳудудий бошқармаларга юборилди.

Бугунги кун ҳолатига **xotin-qizlar.uz** платформаси орқали **84 106** нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар аризаси электрон қабул қилиниб, белгиланган мезон талаблари асосида туман (шаҳар)даги ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

“Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тайёрланди ҳамда 2022 йилнинг 9 июнь куни 322-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори имзоланди. Қўмитанинг жорий йил 11 июнь куни **23-сонли буйруғи** тасдиқланиб, ҳудудий бошқармаларга юборилди. Оила ва хотин-қизлар бошқармалари тизимда профессионал таълим муассасалари бўлган идоралар билан биргаликда белгиланган тартибда **жорий йилнинг 11 июндан 15 июнгача** коллеж ва техникумларни битирган ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар рўйхатларини мутахассислиги бўйича (*5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган*) шакллантирилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг 1-баённомаси 2-иловининг 6-бандида ҳудудий комиссиялар фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш масалалари бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш режалаштирилган.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг 1-баённомаси 3-иловасига асосан – Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастурининг 1-бандида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш, бунда давлат фуқаролик хизмати, давлат иштирокидаги корхоналар ва бошқа тузилмаларда раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни жалб этиш бўйича мавжуд ҳолат ҳамда илғор хорижий тажриба ўрганилмоқда.

II. Мавжуд муаммолар юзасидан таклифлар:

1. Ҳар бир худуд бўйича кадрлар захирасига фаол, ташаббускор хотин-қизларни киритиш ишлари тизимли ташкил этиш ҳамда раҳбарлик (раҳбар ва ўринбосар) лавозимлари таркиби **таҳлил этиш**;

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 402-сон қарори асосида **жорий йилнинг 25 май куни Қўмитанинг 18-сонли Буйруғи ижроси юзасидан барча худудлар туман (шаҳар)лар кесимида:**

- Тавсиянома олиш учун туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан тавсия этилган ва рад этилган талабгорларни Қўмитанинг Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими томонидан берилган намуна асосида **яқуний маълумотларни кунлик жадвал асосида мурожаат этган барча хотин-қизлар рўйхати, баённома, буйруқ ва кафолат хатларини ворд ва тасдиқланган шаклда) тақдим этиш**;

3. “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш” ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 322-сонли қарори асосида **жорий йилнинг 11 июнь куни Қўмитанинг 24-сонли буйруғи ижроси юзасидан барча худудлар туман (шаҳар)лар кесимида:**

1. **Бир кун муддатда** туман (шаҳар) буйруқларини ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимида мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳи ташкил этиш;

2. Оила ва хотин-қизлар бошқармалари тизимда профессионал таълим муассасалари бўлган идоралар билан биргаликда белгиланган тартибда **жорий йилнинг 11 июндан 15 июнгача** коллеж ва техникумларни битирган ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар рўйхатини мутахассислиги (5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган) бўйича рўйхатлар шакллантирилган бўлиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2022/2023 ўқув йилида** олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган кундан хотин-қизлар меҳнат фаолияти кам бўлган соҳаларда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни шакллантирилган рўйхат асосида туман (шаҳар) бўлимига чақириш;

4. Ишчи гуруҳлар томонидан талабгорларнинг ҳужжатларини **xotin-qizlar.uz** платформаси орқали электрон шаклда белгиланган вақтда қабул қилиш (*қабул кунлари қўшимча эълон қилиш*);

- Ишчи гуруҳ аъзоси талабгордан қуйидаги ҳужжатларни қабул қилиш:

1. Фуқаролик паспорти ёки ID карта нусхаси.
2. Меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси)дан кўчирма.
3. Маълумотнома-объективка.
4. Ўрта-махсус ёки профессионал таълим бўйича диплом.
5. Ишчи гуруҳ аъзоси талабгорнинг аризасини талабгорни олдида мутахассислиги ва таълим йўналиши бўйича электрон шаклда **xotin-qizlar.uz** платформасига киритади ва электрон тасдиқлайди, талабгорга ариза қабул қилинганлиги бўйича мобил телефон рақамига СМС хабар юбориш;
6. Ишчи гуруҳлар тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган талабгорларнинг ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларини (2022 йил 9 июндаги 322-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори, Низомнинг 3-бандида белгиланган мезонларга) мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади. Бунда ишчи гуруҳлар томонидан мезонларга мос келувчи тасдиқловчи маълумотлар ва электрон шаклдаги ҳужжатларни кўриб чиқиши (меҳнат стажини тасдиқловчи маълумотлар, ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномаси) “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олинишига эътибор қаратиш;
7. “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилингунга қадар ишлаган ва 2020 йил 1 январдан кейинги даврда меҳнат фаолиятини олиб бормаётган талабгорларнинг иш стажини маълумотлари (агар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида қайд этилмаган бўлса) уларнинг меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар асосида олиш;
8. Талабгорларнинг ўзлари томонидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган ва бугунги кунда тизимда тасдиқланмаган иш стажини маълумотлари меҳнат дафтарчаларидаги ёзувлар билан бир хил бўлган тақдирда инобатга олиш;
9. Ишчи гуруҳлар тавсиянома беришга тавсия этилган талабгорларнинг рўйхатларини шакллантириш, бунда талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш якуни бўйича қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилиш:
 - тавсиянома беришга тавсия этиш тўғрисида;
 - тавсиянома беришга тавсия этишни рад этиш тўғрисида;
10. Ишчи гуруҳ йиғилишининг якуни бўйича электрон ҳужжат шаклидаги қарор ва баённома тузиш, ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг электрон рақамли имзолари билан тасдиқлаш;
11. Ишчи гуруҳнинг хулосаси асосида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбарининг талабгорга тавсияномани бериш ёки тавсиянома беришни рад этиш тўғрисидаги қарори (электрон ҳужжат шаклида) қабул қилинади ва тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кўриб чиқиш учун

Қўмиитага тақдим қилиш;

12. Қўмиита томонидан туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбарининг қарори ва унга илова қилинган ҳужжатларни мазкур Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш ҳамда тавсияномани бериш ёки тавсиянома беришни рад этиш тўғрисида Қўмиита биринчи раҳбарининг буйруғини чиқариш;

13. Тавсиянома ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ Қўмитанинг биринчи раҳбари томонидан, биринчи раҳбар лавозими вакант бўлганда ва ёки унинг вазифаларини бажариш бошқа шахсга юклатилганда эса ушбу раҳбар томонидан бериш;

14. Қўмиита биринчи раҳбарининг буйруғи тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига (ишчи гуруҳга) талабгорни хабардор қилиш учун юбориш.

15. Ишчи гуруҳ томонидан **икки иш куни ичида** талабгорларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон манзилига тавсиянома беришга тавсия этилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юбориш.

16. Талабгор қарордан норози бўлган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш..

Раис ўринбосари

Н.Эгамбердиева